

## Аллоҳ таоло у зотни Қурайш орасидан сайлади



11:05 / 29.08.2019 2831

*Биринчи.* Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло у зотни араблар ичидан танлаб олди. Зотан, араб уммати ўртача уммат эди. Аллоҳ таоло у зотни Қурайш орасидан сайлади. Зотан, Қурайш араб қабилаларининг энг афзали эди. Аллоҳ таоло у зотнинг насаблари Қурайш қабиласининг Бану Ҳошим номли энг шарафли уруғидан бўлишини насиб этди.

*Иккинчи.* У зотнинг ватанлари ўртада жойлашган, бу ватан жойлашган ердан ҳамма тарафларга даъват отилиб чиқишнинг имкони бор эди.

*Учинчи.* Аллоҳ таоло бу зотнинг қиймати улуғ бўлиши учун пайғамбарлари оз бўлган уммат ичидан танлаб олди.

*Тўртинчи.* Аллоҳ таоло у зотни пайғамбарлардан узоқлашиш даврида, инсонлар у зотни кутиб, тайёргарлик кўриб, интизор бўлиб турган бир пайтда юборди.

*Бешинчи.* Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг самовий китобларида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбар этиб юборилишлари тўғрисида хабар берган.

*Олтинчи.* Аллоҳ таоло у зотни саҳровий ҳаётдаги халқнинг ичидан танлаб олди. Зотан, уларнинг маданияти ва тамаддуни бузилмаган эди.

*Еттинчи.* Аллоҳ таоло у зотни ўқиш-ёзиш тарқалмаган халқ ичидан, фалсафалар ва турли илмларни билмайдиган халқ ичидан танлаб олди.

*Саккизинчи.* Аллоҳ таоло у зотнинг сийратларини ҳамма билишини, барча тафсилотлари очиқ-ойдин ва равшан бўлишини ирода қилди. Токи у зот ўзларидан бошқаларга ўрнак бўлсинлар.

*Тўққизинчи.* Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари жамловчи хусусиятга эга бўлиб, ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган.

*Ўнинчи.* У зотнинг сийратлари амалий ва воқеий сийратдир. Барча замонлардаги ва маконлардаги одамлар уни ўз ҳаётларига татбиқ қилиш имкониятига эгадирлар.

Ана шундай бир пайтда Аллоҳ таолонинг иродаси ила бир нур туғилди. У зотнинг сийратлари – ҳаётлари барчага ўрнак бўладиган бўлди.

**«Ислом тарихи» биринчи китоб**